O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch — adolatda

Adolat

Ozbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan ☼ 2001 yil 20 aprel ☼ juma ☼ № 16 (303) ☼ sotuvda erkin narxda

● Таъкидлаш жоизки, жамиятимиздаги бугунги вазият, мавжуд хавф-хатарлар ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида олимларимиз, пешқадам зиёлиларимиз халққа ўз сўзларини айтишлари керак. Улар бу борада жамият олдида қарздор эканликларини унутмасликлари лозим. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, мафкуравий озиқнинг мезони ҳақиқат ва фақат ҳақиқат бўлиши зарур. Яъни, халққа бор ҳақиқатни очиқ айтиб, шунга кўндириш, ишончини қозониш ва шу асосда уни янги марраларга чорлаш керак.

Ислом КАРИМОВ.

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 апрель куни Оқсаройда «Бритиш Американ Тобако» компанияси директорлар кенгаши раиси Мартин Броутон ҳамда ушбу компания билан ҳамкорликда тузилган «Бритиш Американ Тобако – Ўзбекистон» қўшма корхонаси бош директори Рене Айзельстайнни қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

● Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳам «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Вазирлар Маҳкамаси Умумиқтисодиёт мажмуасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Рустам Азимов бошқарди.

● 18 апрель куни Миллий матбуот марказида «Давр ва замонавий қаҳрамон» мавзуига бағишланган илмий амалий анжуман бўлди. Унда адиб ва шоирлар, санъаткор ва рассомлар, ҳайкалтарош ва режиссёрлар – бадиий ижод соҳасининг таниқли намояндалари иштирок этди. Анжуманни Ўзбекистон халқ шоири, ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов бошқарди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов бугунги кунда адабиётимиз ва санъатимиз олдида турган вазифалар ҳақида маъруза қилди.

● Жиззах вилояти ҳокимлигида пахта ва ғалла парваришини жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

● Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Агросаноат мажмуининг жорий йил биринчи чораги иш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Туроб Холтоев бошқарди.

СИЁСИЙ-ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз Давлат божхона қўмитаси томонидан сўнгги вақтларда амалга оширилаётган ишлар бу тизим фаолияти тобора яхшиланиб бораётганидан дарак беради. Хусусан, мазкур ташкилот томонидан Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни ҳимоя қилиш, чегараларда божхона назоратини кучайтириш, товар-моддий бойликлар, маҳсулотларни ноқонуний равишда четга ташиб кетиш ва олиб киришнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, божхона тўловларидан тушадиган маблағ давлат бюджетини тўлдиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Жорий йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида божхоначиларимиз 24,8 миллиард сўм миқдорида божхона тўловлари ундирди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз йўлларидан хорижий мамлакатларга тегишли автомобилларнинг қатнови тобора ўсиб бормоқда. Бу эса бюджетга тушадиган валюта миқдори ортишига олиб келяпти. Ўтган уч ой ичида улардан 794 минг АҚШ доллари миқдорида божхона тўловлари ундирилди.

Ўзбекистон бозорида нарх-навонинг арзонлиги ва маҳсулотлар сероблигидан баъзи «учарлар» фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу эса божхона ходимларини янада ҳушёрроқ бўлишга, ишни замонавий талаблар асосида ташкил этишга ундаяпти. Улар халқимизнинг ҳалол луқмасига кўз олайтираётган бу каби сохта ишбилармонларнинг йўлига жиддий тўсиқ қўймоқдалар. Ўтган вақт мобайнида божхоначилар ўнлаб шундай қонунбузарликнинг олдини олишди. Чегараларимиздан ноқонуний равишда ёки божхона қоидаларини бузган ҳолда олиб ўтишга уринилган 2,7 миллиард сўмлик товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди.

Гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиноятчилар Ўзбекистонни ҳам ўз таъсир доираларига киритиш, мамлакатимиз ҳудудидан бундай модда олиб ўтиш йўлларини очиш ва кенгайтириш учун уринаётгани сир эмас. Божхона хизмачилари ҳуқуқ-тартибот органлари билан бир қаторда, бундай жиноятқорона ҳаракатларнинг олдини олишда фаол иштирок этяптилар. Жумладан, ўтган уч ой ичида божхоначилар контрабандачилардан 7 килограмм 791 грамм гиёҳванд модда, 125,3 минг дона психотроп хапдори, 8360 ампула бупренорфин, шунингдек, 5 та ўқотар қуролни тортиб олдилар. Жиноятчилардан 66 минг АҚШ доллари миқдоридаги хорижий валюта далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Божхоначиларнинг 500 дона диний-экстремистик руҳдаги адабиётларни мусодара қилгани турли оқимларнинг халқимизга ўз ғояларини сингдириш умиди ҳали сўнмаганидан дарак беради.

Жорий йилнинг дастлабки чорагида контрабанда, божхона қонунчилиги бузилиши ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан давлат божхона қўмитаси томонидан 250 та жиноий иш қўзғатилди. 3544 маротаба маъмурий жазо чоралари қўлланди. Таркибида жиноят аломатлари бўлган 33 иш юзасидан ҳужжатлар эса тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юборилди.

Тожикистон ва Афғонистондаги беқарор вазият, турмуш даражасининг пастлиги мазкур мамлакатлар фуқароларини чет давлатлардан бошпана излашга мажбур этмоқда. Бундай фуқаролар Ўзбекистон чегараларидан ўтишга ҳам ҳаракат қилишяпти. Божхона ходимлари Афғонистоннинг чегараларимиздан ноқонуний тарзда ўтишга уринган, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ёки виза тартибини бузган 109 нафар фуқаросини, тожикистонлик 611 кишини ушлаб, қонуний жазо кўриш учун уларни ички ишлар ва чегара қўшинлари бўлинмаларига топширди.

Ўзбекистонда қонун ҳужжатларини мукаммаллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар божхона тизимини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида божхона ишига оид қонунларни такомиллаштириш ҳамда божхона назорати механизмини соддалаштириш йўналишидаги ишлар айни пайтда жадал давом эттирилмоқда.

(ЎзА).

Жонажон диёримизнинг табаррук замини ниҳоятда саховатли. Қаловини топса, қор ёнар, деганларидек омилкорлик билан иш юритган деҳқон ҳеч қачон доғда қолган эмас. Йил мобайнида бир майдондан 4-5 маротаба ҳосил етиштириб эл дастурхонини тўкин, даромадини бутун қилган.

Бунга Тойлоқ туманидаги «Боғибағон» ширкат хўжалиги миришкорлари ишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳозир хўжалик иссиқхонасида помидор, бодринг ғарқ пишган. Далаларда эса эртаки сабзавотлар барқ уриб ривожланмоқда.

Тумандаги Улуғбек номли ширкат хўжалиги аъзолари бу йил 720 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилишган. Экиннинг ривожи ушбу юксак марра бемалол ортиғи билан эгалланишидан далолат беряпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Улуғбек номли ширкат хўжалиги раҳбари Мусо Тўраев ва бош ҳосилот Ғайбулло Яҳёевлар экин ривожидан мамнун. 2. «Боғизоғон» ширкат хўжалиги иссиқхонасида.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ олган суратлар.

Олий Мажлиснинг бешинчи сессияси олдидан

МАМЛАКАТ БЮДЖЕТИ: ЎТГАН ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

«2000 йил якунларига кўра давлатнинг бюджет даромади тахмин қилинган кўрсаткичдан 0,1 фоизга, шу йилнинг дастлабки чораги якунлари бўйича эса 0,4 фоизга ошди», – деди республика молия вазири Мамаризо Нурмуродов Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида сўзга чиқиб.

– Бюджет харажатларини молиялаш ишлари маошлар, нафақалар, стипендия ва бошқа зарур харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида тўлаш ҳисобига бажарилди, – деб таъкидлади М. Нурмуродов ўз ҳисоботида. – Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган маблағлар ҳажми ортди. 2000 йилда у умумий харажатлар ҳажмининг 43,5 фоизини ташкил эган бўлса, жорий йилнинг дастлабки чорагида 48,1 фоизга етди. Юридик шахсларнинг даромад солиғи ставкаси 31 фоиздан 26 фоизга камайтирилди. Бу эса қўшимча маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш имконини берди.

Йиғилишда сув танқислигидан азият чеккан Қорақалпоғистон ҳамда Хоразм вилоятига аҳоли ва қишлоқ хўжалик майдонларини сув билан таъминлаш учун молиявий ёрдам кўрсатилганлиги ҳам қайд этилди.

Республика Марказий банкининг раиси Файзулла Муллажонов ўз ҳисоботида 2000 йилга мўлжалланган барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бажарилганлигини таъкидлади. Унинг маълум қилишича, нақд пулларнинг муомалага чиқарилиш даражаси 9,4 фоизни ташкил этиб, бу белгиланган кўрсаткичдан 1,5 пунктга пасайди. Инфляция даражаси тахмин қилинган кўрсаткичда сақланиб қолинди. Марказий банкнинг кредит сиёсати эса экспортга мўлжалланган ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

– Олий Мажлис қарорига биноан 2000 йил мобайнида бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадларига ялпи ички маҳсулотнинг бир фоизи миқдорида қарз маблағлари ажратилди, – деди Ф. Муллажонов. – Ҳисобот даврида банк активларининг жамланма миқдори 47 фоизга ошган бўлса, узоқ ва ўрта муддатли кредитлар улушига 70 фоиздан зиёд маблағ тўғри келди. Тижорат банкларининг умумий капитал ҳажми 92 фоизга ошди.

Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ҳам сезиларли натижалар берди. Уларнинг ҳажми 2,5 баробар ошди.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари валюта бозорини эркинлаштириш, сўмнинг конвертирланишига эришиш, кичик ва ўрта бизнес учун ажратиладиган кредитлар ҳажмини оширишга қаратилган масалаларга алоҳида эътибор беришди.

«Туркистон-пресс»

Туҳфа

КЕНАГАСДА КЕМПИНГ

Мустақиллигимизнинг ўн йиллигини муносиб кутиб олиш учун республикамизда бир қатор иншоотлар қуриб битказилмоқда. Яқинда Ургут туманидаги Кенагас қишлоғида фойдаланишга топширилган автомобилларга газ ёнилғисини қуйиш шахобчаси, автокемпинг ва шаҳарлараро сўзлашув шахобчаси ана шу саъй-ҳаракатларнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Уни «Ўзавтогаз» ҳудудий бошқармасининг вилоят бўлими бунёд этди.

– Ҳозир вилоятимизда ўнлаб ана шундай шаҳобчалар ишлаб турибди, – дейди «Ўзавтогаз» ҳудудий бошқармасининг Самарқанд вилоят бўлими бошлиғи Жуманиёз Алибеков. – Булар, шубҳасиз, биринчи навбатда транспорт воситалари эгаларига анча қулайлик туғдираётганлиги билан бирга атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олмоқда. Кенагасда мазкур мажмуа ичига киритилган сўзлашув пункти ҳозирча ягонадир. Келгусида бошқа хизмат нуқталарида ҳам сўзлашув пунктлари очиш режалаштирилмоқда.

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

ҲАЁТ ИЛДИЗЛАРИ

Инсон қай йўсинда камолга етди? Комиллик ва камолот деган сўзлар замирида қанақа тушунчалар бор ва улар инсонга нега керак? Орзулар оғушидаги умидлар уммонида нима қилмоқ керак? Севимли ёзувчимиз Пиримқул Қодировнинг машҳур «Уч илдиз» романида бу каби ҳаётий саволларга аниқ-тиниқ жавоб топасиз. Ҳаёт фалсафаси бадиий образлар воситаси орқали теран ёритилган асарда инсон улкан дарахт мисол ўсиб-ўниши учун ҳаётга катта илдизлар отиши зарурлиги ёзилган. Яъни, ҳақиқий фуқаро ва комил инсон бўлиш, пухта билим эгаллаш ҳамда ҳақиқий севгисини қадрлаб, муносиб оила қуриш. Ана шундай «илдиз»ларга эга бўлган кишигина чинакам камолот чўққисига эришиши мумкин. Асар қаҳрамонлари қатори ҳаётга шундай илдиз отганлардан бири – Мансур Алиевдир.

Унинг суратига чизгилар топиш учун кўп изландим. Узоқ йўллар умри мазмунига айланган инсон ҳақида узоқроқ ўйланиб ёзишга тўғри келаркан. Негаки, кўпнинг назарига тушган инсоннинг «ҳаёт юки» ҳам кўп бўлади-да.

Мансур аканинг ҳаёти узоқ йўллар билан ҳамоҳанг, дедик. Боиси шуки, у киши танлаган соҳа ўзи оддий йўллар, аниқроғи, йўллардаги бетиним ҳаракатлар билан чамбарчас боғлиқ.

Самолётда парвоз қилаётиб, лоақал баланд тепаликка чиққанда рўйи заминни кузатганмисиз? Йўллар худди қон томирларига ўхшайди. Олисолис йўллар қай бир нуқталарда туташади-да, яна бошқа-бошқа қутблар томон айро тушаверади. Қайлардадир тўртта йўл туташиб, чорраҳа пайдо қилади ва яна давом этаверади. Бу йўлларнинг ҳам адоғи бўлади. Адоқсиз йўл йўқ дунёда. Фақат бири узун, бошқаси қисқароқ. Инсон умрини бир жиҳатдан ана шу йўлларга қиёс этиш мумкин. Кимдир узоқ йиллик умр йўлларида не-не туташ тақдирлар шоҳиди бўлади, қандайдир «чорраҳа»лардан ўтади. Ишқилиб «боши берк кўча»га кириб қолмаса бўлгани!..

Умрини росмана йўлларга бахшида этган фидойи инсон Мансур Алиев ҳақида ўйлаганда шуримдан шундай ўйлар кечди. Қирқ йилдан ортиқ умрини республика автомобиль транспортини ривожлантиришга бахш этган киши ҳақида кўп илиқ фикрлар айтиш мумкин. Меҳнат фаолияти давомида у юрмаган йўллар, манзиллар қолмаган ҳисоби. Йўл юрса ҳам мўл юриб, эзгулик нурларин таратган. Битар ишнинг бошига ботир келар қошига, деганларидек, қайсики вилоятга борса, албатта бирор муаммони ҳал этиш, чигал масалалар ечимини топишга эришган.

Айтсак-айтмасак, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш осон иш эмас. Бунинг машаққатини шу соҳада фаолият кўрсатаётганлар яхши билишади. Қаердаки оёқулов тўхтаб қолса, демакки ўша ерда худди томирда қон қотгандек муаммо юзага чиқиши шубҳасиз. Демак, бутун республика ҳудудида, барча йўлларда транспорт қатновини мунтазам йўлга қўйишга мудом эришиш тақозо этилади. Республика миқёсида бу соҳани такомиллаштириб бориш катта масъулият, билим ва тажриба талаб этиши тайин. Мансур Маҳмудович узоқ йиллардан буён шундай «жанговар жабҳа»да жавлон урмоқда.

Зангиота туман «Мустақиллик» жамоа хўжалигидаги «Иттифоқ» маҳалласида улғайган Мансурнинг ҳам суяги меҳнатда қотганди. Али бувааси уни бир дам тинч қўймас, деҳқончилик ишларига буюраверарди. Молларга қараш, кетмон билан ер чопиш унинг гарданида бўларди. Боғда қора меҳнатнинг адоғи кўринмасди. Буванинг эса набирасининг «чарчадим» деган сўзини эшитишга тоқати йўқ эди...

Мактабда қунт билан ўқиётган Мансурга муаллимлари ўзгача меҳр билан қарардилар. Унинг истеъдодига қойил қолган илмий бўлим мудири ҳатто гоҳо келолмай қолган ўқитувчилар ўрнига «мураббийлик» қилдирган дамлар ҳам бўлиб турарди. Ўз тенгқурларига дарс ўтган бола мурғак қалбида қанчалик умид учқунлари алангаланганини ҳис этиш мумкин. Эҳтимол, маълум бир жамоага бошқош бўлиш туйғуси ўша кезлардан жўш ура бошлагандир?

Талабалик йилларидаёқ «уч илдиз»ига эга бўлган Мансур Алиев институтни тамомлагач, Ховос темир йўл бекати локомотив депосига устанинг ёрдамчиси сифатида ишга қабул қилинди. Ҳарбий хизматга бориб келгач, уни 1966 йили пойтахт шаҳримиздаги 1-автокорхона директори Абдулаҳат Мадалимов навбатчи механикликка таклиф этди. Шу-шу автотранспорт соҳасидаги ҳақиқий фаолият бошланди. Мазкур корхонада колонна бошлиғи, бош муҳандис, директор вазифаларида ишлади. Оддий одамлар орасида ишлаб тажриба орттирган рах-

(Давоми 2-бетда)

«ОСИЁ ЗАРГАРЛИГИ»

Шу йилнинг 20–23 апрель кунлари Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида «Осиё заргарлиги» халқаро кўргазмаси очилади. Мазкур кўргазма Ўзбекистон Молия вазирлиги қошидаги қимматбаҳо металлар ва тошлар Қўмитасининг Давлат Намуна (проба) палатаси кўмагида ҳамда Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Халқаро дизайнерлар иттифоқи, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва «Заргарлар» нодавлат ташкилоти иштирокида ташкил этилди.

Кўргазмада республикадаги давлат ва хусусий заргарлик фирмалари, хусусан, «Фонон» Тошкент заргарлик заводи, Навоий тоғ-металлургия комбинатининг Зарафшон заргарлик заводи, «Устозода» бирлашмаси, «Geogetto», «Tumor Agat», «Topaz» хусусий заргарлик фирмалари ҳамда «Ҳандикрафт» қўшма корхонаси ўз маҳсулотларини намойиш этишади.

Кўргазма доирасида «Заргарлик безаги XXI» танлови, «Заргар шоу» ҳамда «Осиё XXI» модалар фестивалини ўтказиш кўзда тутилган.

АРИҚЛАРГА СУВ КЕЛДИ

Қарши шаҳридаги қатор маҳаллаларда ариқ ва қувурлар сувга тўлиб оқа бошлади.

Ҳашар йўли билан сув йўлларини тозалаш ишлари амалга оширилди-ю бир неча йиллардан бери қуриб ётган ариқлардан оби-ҳаёт оқа бошлади. Сув Қарши бош каналининг «Йўлдош» насос станцияси, Чап қирғоқ ва Айрум каналларидан олинаяпти. Биргина «Йўлдош» насос станцияси экинзор ва боғларга бир кеча-кундузда 700 минг кубометр сув—оби-ҳаёт етказиб бермоқда.

Маҳаллаларга белгиланган режа асосида навбати билан сув ажратилган. Дастлаб Батош, Қарши, Темирйўлчи, Маҳтумқули, Наво, Усмон Юсупов, Худойзод ва бошқа қатор маҳаллалар оби-ҳаётдан баҳраманд бўладилар.

Оқар сув таъминотининг яхшиланиши шаҳарнинг янада қўркам ва обод бўлишига имкон яратади. Фақат ичимлик сувидан суғориш ишларида фойдаланилмаса бас.

«Туркистон-пресс».

● «Обуна – 2001»

«АДОЛАТ» ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!

Азиз муштарий!

Мана 2001 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун ҳам «Адолат» газетасига обуна бошланди. Шошилинг!

Обуна бўлиш эсингиздан чиқмасин.

● «Адолат» газетаси нашр кўрсаткичи – 100.

● Ярим йиллик обуна баҳоси – 4008 сўм.

● ЭЪЛОН!

«Адолат» газетасига масъул котиб лавозимида ишлаш учун малакали мутахассис ходим керак.

Телефон: 133-41-89.

ҲИКМАТ

● Одамзот доим бировнинг қадамини ўлчайди, ўзиники эса қизиқтирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига

НАМАНГАН ТОЛАСИ

жаҳондаги йигирмадан зиёд мамлакатга етказиб берилмоқда

Бугун Наманганда бўлсангиз унинг тобора чирой очиб бораётган ҳусну латофати олдида беихтиёр лол қоласиз. Вилоятдаги ўзгаришлар узоқ эмас, шу яқин йиллар ичида рўй берди. Замонавий андозадаги бир-биридан бетакрор, кўркам бинолар, текис ва равон йўллар вилоят аҳлининг бунёдкорлик ва маъмурчиликка алоҳида куч-ғайрат сарфлаётганидан далолат бериб турибди. Иқтисодиётнинг кўплаб соҳалари бу ерда кенг ривожлантирилмоқда. Айниқса, Наманган вилоят «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси тизимида рўй бераётган кескин ўзгаришлар ва янгиланишлар алоҳида эътиборга моликдир.

Катта йўл бўйидаги бирлашма жойлашган кўркам бинонинг ҳовлисига киришингиз биланоқ анвойи гулларнинг ёқимли иси димоғингизга урилади. Икки томондаги иссиқхонада етиштирилаётган мандарину лимонларни, турли хил кўкат ва гулларни кўриб кўнглингиз яйрайди. Унчалик катта бўлмаган майдондан бирлашма аҳлининг шу қадар унумли фойдаланаётгани бу ерда ҳамма нарсага алоҳида эътибор билан қаралаётганлигини кўрсатиб турибди.

Пахта – миллий бойлигимиз, Мустақиллигимиз боис бу бойликка биз ўзимиз эгалик кила бошладик. Меҳнатини деҳқон қилиб, роҳатини бошқалар кўрадиган даврлар ўтиб кетди. Пахтачиликни ривожлантиришга, бу орқали республикамизнинг салоҳиятини оширишга эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Шунга монанд вилоят «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси жамоаси ҳам етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш, сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш учун бор куч-имкониятларини сафарбар этмоқда.

– Бирлашмамиз тизимида 11 та пахта тозалаш корхонаси, 1 та нотўқима мато фабрикаси, маҳсулотларни марказлашган ҳолда истеъмолчиларга етказишга мўлжалланган тола базаси ва бу корхоналарга хизмат қилувчи механика устахонаси, таъминот базаси, қатор қурилиш участкалари фаолият кўрсатмоқда, – дейди биз билан суҳбатда бирлашма раиси Маҳмуджон Ғаниев. – Вилоятимиз пахтакорларининг ўтган йили етиштирган 243521 тонналик пахта ҳом ашёсини мавсумнинг ўзидаёқ сифатли қабул қилиб олиб, қайта ишлашга киришган эдик. Унинг 186784 тоннаси шу йилнинг 1 апрелига қадар қайта ишланди. Жами 59367 тонна пахта толаси, 4539 тонна момиқ, 201014 тонна чигит, 59723 тонна пух ва 1384 тонна улюк ишлаб чиқарилиб, бу борадаги режаларни пухта ва сифатли адо этдик...

Биргина ўтган йилнинг ўзида бирлашмада тайёрланган 70202 тонна пахта толаси чет эллиқ истеъмолчиларга етказиб берилиб, дунёнинг 12 мамлакатига экспорт қилинди. Яъни, Швейцария, Англия, АҚШ, Испания, Бельгия, Франция, Жанубий Корея сингари ривожланган мамлакатларга Наманган толаси етиб борди. Улардан тушган буюртмалар сифатли адо этилди. Бирлашма тизимидаги пахта тозалаш корхоналарининг ўтган йилги пахта ҳосилини қабул қилишга ва қайта ишлашга сифатли тарзда тайёрлангани, корхоналарда меҳнат қилаётган муҳандис-техник ходимларнинг иш сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан олиб бораётган тинимсиз изланишлари натижасида кейинги йилларда бирлашмада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ҳеч қандай эътироз бўлаётгани йўқ. Аксинча, у дунё миқёсида таъсис этилган «Олтин глобус», «Олтин юлдуз» совринларига мунтазам сазовор бўлиб келмоқда. Айниқса, ишлаб чиқариш режаларини ортиғи билан бажариб, маҳсулот сифати учун таъсис этилган бундай олий совринларни олиб ишлаётган Қуғай, Чортоқ, Чуст ва Ғулбоғ пахта тозалаш корхоналарининг ишларини алоҳида эътироф этмоқ лозим. Уларнинг меҳнатига Мадридда ўтказилган халқаро кўргазмада юқори баҳо берилиб, мазкур жамоалар шундай юксак соврин билан тақдирландилар. Бу меҳнат жамоаларининг тобора ривожланиб, ғуллаб-яшнаб бораётган жонажон Узбекистонимизнинг шуҳратини янада оширишга, элларарo довруғини таратишга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганликларидан дил тўлқинланади.

СУРАТЛАРДА: бирлашма жамоаси ҳаётидан лавҳалар.

Бирлашма аҳли асосий ишлаб чиқаришдан ташқари халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга ҳам муваффақ бўлмоқда. Бунга меҳнат жамоаларининг ўз ишларини ҳар томонлама пухта ташкил этаётганликлари боис эришилаяпти. Айни пайтда Қуғай пахта тозалаш корхонасида тикувчилик цехи мунтазам фаолият кўрсатаяпти. Цехда саноатимиз учун зарур бўлган брезент ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бирғаликда ишчилар учун махсус кийимлар ва пахтачилик хўжаликлари учун этак, прицепларга ёпқич тикилиб, корхона ва ташкилотларнинг, меҳнат жамоаларининг бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи қондирилаяпти. Ушбу ишларни ташкил этишда корхона раҳбари Абдурахмон ака Акромовнинг хизматлари катта бўлмоқда. Ўз навбатида бу ерда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган смена устаси П. Эргашев, темирчи А. Ҳамроев ҳам эришилаётган ютуқларга баракали улуш қўшмоқдалар.

Бирлашма тизимидаги Чуст пахта тозалаш корхонасида эса асосий маҳсулотлардан ташқари халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга етарлича эътибор қаратилмоқда. Бу ерда тикувчилик маҳсулотлари билан бир қаторда мамлакатимизда донги кетган Чуст дупписи ва пичоқлари тайёрланмоқда. Корхона бош муҳандиси А. Дўстматов, 2-бригада ишчиси К. Зоҳидов, чилангар Ю. Толиповлар бу ютуқларни янада бойитиш, имкониятларни кенгайтириш учун тинимсиз изланишлар олиб боришяпти. Чортоқ пахта тозалаш корхонаси жамоаси ҳам ишлаб чиқаришда улкан ютуқларга эришиш билан бирғаликда корхона қошидаги юздан зиёд ишчи меҳнат қилаётган тикувчилик цехининг фаолиятини янада кучайтирмоқда. Бу ерда эришилаётган ютуқларга ёш мутахассислардан Д. Турғунов, механик Б. Алиев ва смена устаси Қ. Турдиевлар салмоқли ҳисса қўшишяпти. Бир сўз билан айтганда, бирлашмада қўшимча соҳаларни йўлга қўйиш орқали янги иш жойларини ташкил этиш, бу туфайли юзлаб йигит-қизларни иш билан таъминлашдек саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беряпти. Қишлоқ жойларида яратилган янги ишчи ўринларида кўпчилик гаштли меҳнат билан банд бўлмоқда.

Айрим корхона ва ташкилотлар ўз аравасини ўзи торта олмай доғда қолаётган бир пайтда шундай шароитларни юзага келтиришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг учун интилиш, изланиш, катта маҳорат ва ўз навбатида келажакни кўра билиш лозим.

Бирлашма раиси Маҳмуджон Ғаниев ҳамкорлигида жамоа ҳаёти ва фаолияти билан танишиб, унинг талабчан раҳбар, соҳасининг чинакам жонкуяри эканлигидан қувондик. Маҳмуджон ака мана 24 йилдирки «Пахтасаноатсотиш» тизимида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Ёш бўлсада унинг босиб ўтган шонли меҳнат йўли нурафшон. 1977 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг пахтани қайта ишлаш факультетини битириб, олий маълумотли инженер-механик, технолог ихтисосига эга бўлган ёш мутахассис ўзининг илк меҳнат фаолиятини Наманган-даги 2-пахта тозалаш заводида бошлади. Шу билан бирғаликда ишдан ажралмаган ҳолда 1978-1983 йилларда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг аспирантурасини битириб, пахтани қайта ишлаш бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади. 2-пахта тозалаш заводида аввал смена бошлиғи, сўнг бош муҳандис, директор ўринбосари бўлиб ишлаган Маҳмуджон Ғаниев 1988 йилда Косонсой пахта тозалаш заводи директори вазифасига муносиб деб топилди. 1996-1998 йилларда эса у бирлашма раисининг ўринбосари бўлди. 1998 йилдан буён Наманган вилоят «Пахтасаноатсотиш» бирлашмасининг раиси.

Маҳмуджон ака талабчан раҳбар, жамоасининг ғамхўрлигина эмас, балки эндиликда соҳани ривожлантиришга хизмат қилаётган қатор иқтидорларнинг муаллифи ҳамдир. Бугунги кунда унинг қўлида пахтанинг сифатини яхшилашга қаратилган 106 та муаллифлик гувоҳномаси бор. Шунинг ўттиздан зиёдини муаллиф мустақиллик йилларида олган. Бу ихтиролардан эндиликда «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси тизимларида кенг фойдаланилмоқда. Бу борадаги изланишлари учун Маҳмуджон ака Ғаниев 1995 йилда «Энг яхши ихтирочи» деб топилиб, кумуш медал билан тақдирланган. Унинг қатор илмий мақолалари эса ўзимизни, қўйинг ҳатто чет эллик мутахассисларнинг ҳам эътиборини тортган. Бу мақолаларда пахтани қайта ишлаш корхоналарида қўл меҳнатини техникага ўтказиш, электр энергиясини тежаш, бу орқали иқтисодий самарадорликка эришиш истиқболлари белгилаб берилган.

Иқтидорли олим, заҳматкаш инсон ва фидойи раҳбар Маҳмуджон Ғаниев ана шундай: элим деб юртим деб ёниб яшаб, меҳнат қилаётган замондошларимизнинг бири. Унинг бевосита раҳбарлигида бирлашмада кейинги уч йил ичида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Иш сифати ва самарадорлиги ортди. Жамоанинг меҳнат шароитлари яхшиланди. Уларни ижтимоий муҳофаза қилишга эътибор кучайтирилди. Айни пайтда бу ерда 5277 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўртача иш ҳақи салкам 20 минг сўмни ташкил этаяпти. Турли оммавий байрамларда уларга мукофот пули бериб борилмоқда. Гўшт, озиқ-овқат маҳсулотлари улашилаяпти. Байрам дастурхонлари ёзилиб, жамоа қувончли онларнинг шоҳиди бўлмоқда. Ишчилар мунтазам бепул иссиқ овқат, сут-қатиқ ва кийим-бош билан таъминланишмоқда. Нанайда ишлаб турган дам олиш масканида кўпчилик дам олиб, хордиқ чиқармоқда. Уларга даволанишлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилган.

– Юртбошимиз томонидан доимо ёш авлодга катта эътибор билан қаралмоқда, – дейди бирлашма раиси Маҳмуджон Ғаниев. – Жумладан ўтган йилни «Соғлом авлод йили», бу йилни «Оналар ва болалар йили» деб номланиши ҳам бунинг ёркин далилидир. Авлоди соғлом юрт етук ва баркамол бўлади. Бирлашмамиз аҳли муҳтарам Президентимиз олиб бораётган сиёсатни тўла қўллаб-қувватлаб, вилоят марказидаги «Тез тиббий ёрдам» касалхонасига 26 миллион сумлик хомийлик ёрдамини кўрсатди. Унинг тумандаги филиалларига 22 миллион сумдан ортиқ маблағ ўтказиб берилди.

Бу – юртбошимизнинг «Саваб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак» деган пурмаъно сўзларини жамоа ҳаётида ўз ифодасини тўла топаётганлигининг намунасидир. Қўли очиқ саховатли кишиларнинг эса иши ҳамиша бароридан келаверади.

Бугун Наманган толаси жаҳондаги 20 дан зиёд мамлакатга экспорт қилинмоқда. Унинг сифати чет эллик истеъмолчиларга жуда маъқул тушаяпти. Демак бурч ва масъулият ҳиссининг юксаклиги боис наманганлик пахтани қайта ишловчилар чет эллик ҳамкорларининг таҳсинига, эътирофига сазовор бўлишмоқда. Мамлакатимиз довруғини ошираётган, миллатимиз ғурурини ҳамиша баланд тутаётган бундай юртдошларимиз бор экан, мустақил Узбекистонимиз ғуллаб-яшнаб бораверади. Унинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни тобора ортаверади.

Рустам АХМАДАЛИЕВ,
«Адолат»нинг махсус мухбири.

«ҚУВАСОЙЦЕМЕНТ»ГА РОССИЯЛИКЛАР ТАН БЕРИШДИ

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясининг «Қувасойцемент» заводида илмий-амалий семинар ўтказилди. Семинарга Россиядан ташриф буюрган мутахассислар ҳам иштирок этишди. Диққатга сазовор жойи шундаки, Россия цемент уюшмаси раиси Евгений Валиков «Қувасойцемент» заводининг бугунги даражасига қойил қолганлигини эътироф этди.

– Тажриба алмашиш мақсадида компаниямизга қарашли завод ва корхоналарнинг раҳбарлари ва ходимлари иштирокида бундай семинарларни ўтказиш одат тусига айланган, – деди «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари Миррустам Шодмонов «Туркистон-пресс» мухбирига. – Ҳар ойда завод раҳбарлари битта корхонага йиғилиб, унинг фаолиятини обдон ўрганадилар. Шундан кейингина таҳлилий, илмий-амалий анжуманимизни бошлаймиз. Даставвал айнан ўша корхона раҳбарини эшитамиз. Хўш, у нима ишлар қиляпти, нималарга эришяпти, корхонасида қандай камчиликлар бор, у нимага муҳтож – ҳаммасини батафсил сўзлайди. Кейин эса корхона фаолиятини кўздан кечирган бошқа кишилар у эътибордан қолдирган жиҳатлари ҳақида гапирадилар. Шу билан бирга бу корхона муҳтож бўлган нарса бошқа заводларимизда бўлса, улар бу борада ёрдам қўлини чўзиши мумкинлигини таклиф қилади. Бу жараён корхоналаримизнинг оёққа туриб олишида катта ёрдам бермоқда.

Бундан тўрт йил муқаддам «Қувасойцемент» қолоқ заводлардан саналарди. Ишчан раҳбарларнинг тайин этилиши, бошқа корхоналарнинг кўмак ва маслаҳатлари эвазига завод қаддини тиклаб олди. Завод бугунги кунда ўз режаларини ошиғи билан уддаламоқда. Олдинлари хориждан долларга келтириладиган ўтга чидамли шамот ғиштлари эндиликда ўзимизнинг Қувасойда ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда қурилишда ишлатиладиган ўн хилдан зиёд сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганлигининг боиси компанияга Тошкент қурилиш материалларини лойиҳалаш илмий текшириш институти олимлари яқиндан ёрдам бермоқда. Ўз навбатида компания ҳам олимларга етарлича эътибор кўрсатаётир. Натижа эса, юқорида таъкидлаганимиздек, бошқаларни ҳам ҳайратга солмоқда.

Семинарда сўзга чиққан Е. Валиков «Қувасойцемент»нинг бугунги даражасидек завод МДҲ давлатларининг бирортасида ҳам йўқлигини таъкидларкан, Ўзбекистонлик ҳамкасбларининг бунчалик илгарилаб кетганлигини ҳатто тасаввур ҳам қилмаганлигини айтди. Ўзаро ҳамкорлик асосига қурилган бундай анжуманлар эса ўзларида ўтказилмаслигини, сабаби уларни бирлаштирадиган куч ҳам йўқлигини қайд этди. «Қувасойцемент»нинг дизайни, хилма-хил сифатли маҳсулотларига тан берганлигини эътироф этди.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси бу ютуқлар билан чекланиб қолиш ниятида эмас. Улар хорижлик ҳамкорлари «Холдирбанк», «Ай-чи» компаниялари кўмагида изланишларини давом эттираётир. Улар жаҳон бозорига йўл очишни кўзлашмоқда.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳаётидан

ИЗЛАНГАНГА ТОЛЕ ЁР

1996 йили Каттақўрғондаги Янгиқўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинига раис бўлиб келган Ҳамидулла Раҳматов бу ерни ободонлаштириш, йўлларни текислатиб, асфальт ётқизиш, шунингдек аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ва хонадонларни газлаштириш, меҳнат аҳлига маданий ва маиший хизмат соҳаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берди. Ҳамидулла Раҳматовнинг саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 56-мактаб маҳаллалар ва ота-оналар кўмагида ҳашар йўли билан газлаштирилди. 58-ўрта мактаб учун қўшимча 7 та ўқув хоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аксарият қишлоқ йўлларига тош ётқизилиб, асфальт қилинди.

Бугунги кунда фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи барча оилалар Ҳамидулла Раҳматовнинг бундай ташкилотчилик ва хайрли ишларидан мамнун бўлишаётир. Ёшу кексалар «элнинг асл фарзанди» дея уни олқишламоқда. Негаки Ҳамидулла Раҳматов фуқаролар йиғини раиси бўлиб келганидан буён «Бўстон» жамоа хўжалигида тадбиркорлар томонидан 2 та дорихона, 5 та маданий ва озиқ-овқат дўконлари, 20 тадан ортиқ тегирмон, 4 та кутубхона, 3 та сартарошхона, 3 та клуб ва битта маданият уйи мунтазам фаолият кўрсатадиган бўлди. Раис эса, маҳаллий ёшларни иш ва ўқишдан бўш пайтларида бекор юрмаслиги, спорт билан шуғулланишлари учун ер ажратиб стадион қурдирди. Спортга қизиқувчилар унга жалб этилиб, футбол, волейбол, баскетбол командалари тузилди. Ўтган 2000 йилда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган спорт мусобақаларига 30 минг сўм мукофот пули ажратилиб, ғолибларга топширилди.

– Амалга оширилаётган тадбирларни, – дейди Ҳамидулла Раҳматов, – фаолларимиз билан ҳамкорликда олиб бораямиз. – Тошпўлат Тоғаев, Турди Набиев, Мавлон Жононов, Ойбек Баҳриддинов, Тўйчи Муродов сингари меҳнат фахрийларининг жамоатчилик асосида олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ бўлаётир.

Бу ерда ҳозир 11 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг шахсий томорқалари ҳам Ҳамидулланинг доимо назарида. Томорқа эгаларига ёрдам керак, улар сувга, уруғга муҳтож эмасми, буни доимо суриштириб туради. Йил якунида эса, томорқадан олинган даромад албатта ҳисоб-китоб қилинади. Шўрак қишлоғида яшовчи Баҳодир Ҳамдамов Самарқанд давлат қишлоқ хўжалиги институтининг аспиранти Ниёз Мардоновдан «сеттосариқ» навли буғдойнинг икки дона бошоғини олиб, уни меҳр билан парвариш қилган. Натижада ундан 4 килограмм ҳосил олинган. Янгиликдан хабар топган Ҳамидулла оддий деҳқоннинг ғаллачилик соҳасидаги изланишига алоҳида эътибор қаратди. Тўғрироғи, ўша навни кўпайтириш ва шахсий томорқа эгаларига тарқатишга киришди. Натижада ўтган йили Қўйли Жониев, Зафар Қўлдошев, Шокир Барноев, Баҳодир Зикриев сингари шахсий томорқа эгалари ҳар гектар ҳисобига 110-125 центнердан ҳосил олишди. Шахсий томорқалардан олинган жами ҳосил 6 тоннани ташкил этди.

Гап шундаки, халқ селекционерлари яратган бу буғдой нави ҳосилдорлиги, танасининг бақувватлиги билан олимларни ҳам қизиқтириб қолди. Жумладан, Тошкент Давлат Университети профессори Латиф Турсунов, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ўсимликлар кафедраси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Насриддин Садриддиновлар ана шу нав ҳақида ижобий фикр билдирдилар. «Каттақўрғон» номи берилган бу навни кўпайтириш ва ундан мўл ҳосил етиштириш мақсадида «Бўстон» жамоа хўжалигида 18 гектар майдон уруғ етиштиришга ажратилди. 50 дан ортиқ томорқа хўжалиги деҳқонлари ҳам «Каттақўрғон» навини етиштириш ва кўпайтиришга киришдилар.

– Бунинг учун қишлоқ фуқаролар йиғинимизнинг раиси Ҳамидулла Раҳматовга миннатдорчилик билдирамиз, – дейишмоқда шахсий томорқа эгалари.

Зеро, бу унинг меҳнатига берилган юксак баҳо ҳамдир.

Аскар ЖАЛИЛОВ,
«Адолат» мухбири.

Банк тизимида

ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Президентининг «Банк тизимини янада экринлаштириш ва ислоҳ қилиш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони банклар фаолиятини янада яхшилашга, хизмат даражасини оширишга ёрдам бермоқда.

«Тадбиркорбанк»нинг Узун тумани бўлими ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо у 586 тадбиркорнинг бугунги таянчига айланди. 18 нафар ёшларни атрофига бирлаштирган банкда ишлар Президентимиз Фармонига мувофиқ пухта ташкил этилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Банк ўтган йилнинг ўзида 39 та мижозга 52 миллион 44 минг сўм кредит бериб, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашдек хайрли ишга қўл урди. 41 миллион 544 минг сўмни кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирди. 12 миллион 384 минг сўмлик микрокредитни олган тумандаги «Ўзбекистон-Н» хусусий фирмаси, «Ҳаким-Халифа» номли фермер хўжалиги, якка тадбиркор Тоҳир Ҳамраевлар фаолиятларида туб ўзгаришларга эришилди.

— Ерни алдамасанг дунё орттирасан, элни ардоқласанг иззат топасан деганларидек, ушбу нақлга амал қилиб кам бўлмаяпмиз, — дейди банк бошқарувчиси Усмон Ҳасанов биз билан суҳбатда. — Биргина мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман. Банкмизда пул эмиссияси даражаси йил якунига кўра 397 фоизни ташкил этди. Йил давомида пул киримги 346 миллион сўм режалаштирилган бўлса, бу кўрсаткични 548 миллион 925 минг сўмга етказиб бажардик. Бир сўз билан айтганда пул тушуми режаси 158,6 фоизга уддаланди. Пул чиқими эса 202 миллион 925 минг сўмни ташкил этди.

Халқимиз «Бировни сийласанг сийловинг қаймоқли бўлади», деб бежиз айтмаган экан. Ғалвирни сувдан кўтарганимизда ҳаммаси қувончли бўлди. 4 миллион 53 минг сўмлик соф фойда олдик. Банкимизнинг рентабеллик даражаси эса 28,7 фоизга тўғри келди.

— Банк фаолиятига назар солсангиз, тадбиркорларнинг чеҳраларидаги самимийликни кўриб дилингиз ёришади. Кейинги пайтларда қишлоқ хўжалигининг қад ростлаши, чорвачилик, паррандачиликни оёққа турғазиш учун ҳамма ишлар қилинмоқда. — Банк бошқарувчисининг муовини Шокир Ҳакимовнинг фахру ифтихор билан айтган бу гапларидан ўз меҳнатидан мамнунлик ҳиссини туйдик.

Тўғрисини айтганда енгилнинг тагидан, оғирнинг устидан иш юргизаётган тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Лекин замонанинг оғир юкини елкасида кўтариб, эл назарига тушаётган тадбиркорларни кўплаб учратишимиз табиий. Туманда ана шундай фидоий ишбилармонлар борки, уларнинг юрт маъмурчилиги, халқ фаровонлиги йўлида астойдил ишлаётганликларини кўриб «Шундай инсонлар ҳамиша бор бўлсин» дегинг келади. «Шуҳрат-С» фирмасининг тадбиркори Шуҳратжон Сотволдиев уларнинг бири. У банкдан 4 миллион сўм кредит олиб ташаббусга қўл урди. Туманда паррандачиликни тиклашга киришди. Ҳозирги кунда узоқни кўзлаган ишбилармон тадбиркор ташландиқ, эски товуқонани тиклаб, 6000 товуқни парвариш қилмоқда.

Ҳа, бугунги кунда бу банк тадбиркорларнинг чинакамига таянчига айланган. Зеро, ҳар қандай кишини қўллаб-қувватловчи, таянчи бўлса карвони толиқмайди. Шундайлар боис бугунги ислоҳотларимиз турмушимизда ўз самарасини бермоқда.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» мухбири.

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

ҲАЁТ ИЛДИЗЛАРИ

(Боши 1-бетда).

барнинг «пойдевори» мустаҳкам бўлади. Унча-мунча амал, мансаб «туйғулари» уни йўлдан оздира олмайди. Ҳеч вақт ҳаётдан, меҳнаткаш халқидан узилиб қолмайди. Узоқ йиллик раҳбарлик фаолияти мобайнида Мансур Маҳмудович ҳамиша оддий ҳамкасблари билан ҳамнафас бўла олгани боиси шунда бўлса ажабмас.

Устоз кўрмаган шогирд минг мақомга йўрғалар, деган мақолга амал қилган киши ютқазмайди. Абдулаҳад Мадалимов, Александр Ғаврилов, Восит Ражабов, Малик Ғофуров, Ғуломназар Жаҳонгиров, Лерик Аҳметов сингари шу соҳа фидойиларининг тажрибаларини қунт билан ўрганган ёш раҳбар умр пиллапояларидан дадил одимлайверди. 1974—1985 йилларда унга 3-автокомбинат ва «Тошшаҳарюктранс» концерни ишониб топширилганда катта ҳаёт мактабини ўташга тўғри келганини илиқ туйғулар ила эслайди. Айниқса, «Тошшаҳарюктранс» трестига бошчилик қилган даврида талайгина ишлар амалга оширилган. Ўшанда корхоналар сони кўпайиб, моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш, фан ва техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида анча-мунча ташаббус кўрсатди. Соҳани равнақ топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар зое кетмади. Ташаббускорлиги туфайли уни «Тошшаҳарйўловчитранс» трестига бошлиқ қилиб тайинлашди. Илгари оддий юк ташиш соҳаси учун масъул бўлган раҳбар энди инсонлар ҳаётига жавобгар шахслардан бирига айланди.

– Бу лавозимда икки йил фаолият кўрсатиб, бирор кун бафуржа дам олганимни эслай олмайман, – деди Мансур Маҳмудович биз билан суҳбатда. – Бугун бу уюшмани ўзига хос маҳорат билан бошқараётган шогирдим Равшан Файзуллаев жонига тўзим берсин, дейман. Негаки, аҳоли сони ошган сайин транспорт хизматига эҳтиёж ортаверади. Ана, ҳар куни шаҳримиз кўчаларидаги юз минглаб йўловчилар ҳаракатига эътибор беринг. Бирор жойда йўл ҳаракати вақтинча бўлса-да тўхтаб қолса борми... Худди инсоннинг бирор томирида қон оқиши тўхтаб қолгандек бўлади-ёв. Юртимиз мустақиллиги шарофати билан бу соҳа қанчалик равнақ топаётгани қувончли ҳол. Юртимиз ўз автомобилларига эга бўлганидан буён аҳолимизнинг бу борадаги талаб-эҳтиёжлари кўнгилдагидек ҳал этилаётир!

Кўп йиллардан бери Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат-акциядорлик корпорациясида турли лавозимларда фаолият кўрсатиб келаётган фидойи инсон истиқлол йилларида меҳнатига яраша қадр топди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 1992 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» унвони берилди. Бугун у тармоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мулкчилик шакллари ўзгариб бораётган «ўтиш даври» муаммоларини ижобий ҳал этиш ишларида бор билим ва тажрибаларини ишга солаётир. Корпорация бошқаруви раиси Қаҳрамон Сидиқназаров раҳбарлигида бу борада жаҳондаги илғор тажрибаларни жорий этиш йўлида ташаббус қанот ёзаётир. Ҳайрли ишларда Валижон Исмоилов, Ботир Қосимов, Азимжон Исамуҳамедов, Равшан Файзуллаев, Акбар Пўлатов сингари ҳамкасблари, шогирдлари ҳам камарбастадирлар.

Бундай камолга эришишда инсонга учта ҳаётий илдиз зарурлиги ҳақида суҳбатимиз аввалида сўз очгандик. Учинчи илдизини ҳам мустаҳкам қилган Мансур ака турмуш ўртоғи Зуҳрахон опа билан ҳаётнинг залворли аравасини бирга тортишаётир. Улар уч қиз ва бир ўғилни муносиб тарбиялаган. Ўғли Мухторжон ота изидан борган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Айни дамларда у «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасига қарашли 8-автобус саройига раҳбарлик қилаётир.

Қатор набираларнинг суюкли буваси бўлган қаҳрамонимиз эса Али бува ишини давом эттиришни хуш кўради. Тўқсон йилдан зиёд умр кўрган Али буванинг руҳини шод этиш умидида набирасига ҳам Али деб исм қўйган Мансур ака уни худди шундай муносиб тарбиялашга ҳаракат қилмоқда. Эрта тонгда уйготганча қўлига кетмон, белкурак тутқазади. Қора меҳнатга ўргатади. Ҳаёт завқи, бахт-саодат деганларининг пойдевори асли шу меҳнатда эканини зурриёдлари онгига сингдиради. Шу тариқа чиниқиб, соғлом авлод бўлиб вояга етаётган набираларнинг ҳам ҳаётга чинакам илдизлар отишига ёрдам бераверади, ғамхўрлик қилаверади.

Тўлқин ЭШБЕК

СУРАТДА: Мансур Алиев оила даврасида.

Хўжалик судларининг 10 йиллиги олдидан

ОДИЛ СУДЛОВ – АДОЛАТ МЕЗОНИ

Ижтимоий адолат тамойилларига таянган ҳолда фаолият кўрсатган, ҳақсизлик эмас, фақат одилликни ўзига муносиб билган ҳар қандай жамиятда тараққиёт бўлишлиги тарихий ҳақиқатдир. Ўзбекистонимизнинг буюк давлат қуриш йўлида эш бўлган 10 йиллик тарихи фикримизнинг далилидир. Зеро, мустақилликнинг 10 йили асрларга татигуликдир. Ушбу давр мобайнида барча жабҳаларда бўлгани каби одил судловда, жумладан, кўп укладли иқтисодиётга асосланган мулкчилик тизимида адолатни таъминлашга йўналтирилган хўжалик судларининг фаолиятида кескин ўзгаришлар, том маънодаги ислоҳотлар ўтказилди.

Республика хўжалик судлари фаолиятидаги асосий мақсад–ўтиш даври муносабатларининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда одил судловни таъминлаш билан бир қаторда хўжалик судларининг келажаги буюк давлатнинг ажралмас бир қисми сифатида ислоҳотларнинг ҳаётга тадбиқ этилишига эришишда бевосита иштирок этиши билан ҳам характерлидир. Бу борадаги амалиётда, айниқса омма орасида миллий мафкурани, жумладан, миллий мафкуранинг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланган аҳолининг ҳуқуқий билим даражасини оширишга қаратилган тадбирлар алоҳида эътиборга молик.

Республика Президентининг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Республика хўжалик судлари ходимлари томонидан янги ҳуқуқий ҳужжатларни тушунтириш, шарҳлаш, мақолалар эълон қилиш борасида оммавий ахборот воситалари орқали 637 маротаба чиқишлар қилинган. Аҳоли ўртасида турли ҳуқуқий мавзуларда 4, 7 мингта маруза ва суҳбатлар ўтказилган. 1,7 мингта хўжалик ишлари бевосита меҳнат жамоаларига чиқиб, сайёр суд мажлисларида кўрилиб, ҳал этилган.

«Хўжалик ҳуқуқи» ўқув марказида 2000 йил давомида республика халқ хўжалигининг 16 та соҳаси корхона ва ташкилотлар, акциядорлик жамиятлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари, ҳисобчи ва ҳуқуқшуносларидан иборат жами 1,3 минг киши билан ўқув машғулотлари ўтказилиб, битирувчиларга тегишли гувоҳномалар берилган.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда оилавий пудратчиларнинг иқтисодий эркинлигига эришиш ва уларнинг фаолиятида қонун устиворлигини таъминлашда шартномавий муносабатлар интизомини кучайтириш алоҳида ўрин эгаллайди. Буни инобатга олган ҳолда 2000 йил давомида Олий хўжалик суди томонидан Адлия, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ушбу мавзуларда ўқув-семинар машғулотлари, суҳбатлар ўтказилган.

Хўжалик судлари томонидан ҳар бир хўжалик ишига алоҳида эътибор билан муносабатда бўлиш, ҳар бир хўжалик ишининг ўзига хос хусусиятларини кўра билиш, таъбир жоиз бўлса, хўжалик ишининг «ичига» кириш туфайли муқаррар одилликни таъминлаш энг долзарб масала қилиб белгиланган. Натижада Республика хўжалик судларига 2000 йил давомида ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш талаби билан 36 мингга яқин хўжалик субъектлари ва тадбиркорлар мурожаат қилишган. Ҳал қилинган ишлар миқдори 1999 йилга нисбатан 5 фоизга ўсиб, 33347 тани ташкил этди, 99,3 миллиард сўм ундирилди. Яъни, бу борада 1999 йилги кўрсаткичга нисбатан 9 фоизга ўсишга эришилди. Республика бюджетига давлат божи ва суд жарималари ҳисобидан 1,2 миллиард сўм миқдорида маблағ ундирилди, бу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 333,5 миллион сўм кўпдир.

Хўжалик судлари томонидан ҳал этилган ишларнинг учдан икки қисмини Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни талабларини бузишдан келиб чиққан низолар ташкил этади. Бу борадаги қонунбузилишларга нисбатан чоралар белгилашда Республика Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда. Баён этилган қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 1,5 минг нафар корхона раҳбарлари ва мансабдор шахслар маъмурий чорага тортилиб, уларга нисбатан 20,5 миллион сўм жарима қўлланилган. 1,2 минг киши моддий жавобгарликка тортилиб, улардан хўжалик юритувчи субъектларга етказилган 21,6 миллион сўмлик моддий зарарни ундириб олиш тўғрисида суд ҳужжатлари чиқарилган.

Мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш борасида хўжалик судлари ва прокуратура органлари ўртасида амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Чунончи, хўжалик судларини кўриш натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича қўзғатилган жиноят ишларининг тергов қилиниши ва судларда кўрилиши жараёни устидан Олий хўжалик суди ва Республика Прокуратураси томонидан доимий назорат ўрнатилган. Ушбу ўзаро ҳамкорлик боис 146 нафар корхона раҳбарлари ва мансабдор шахсларга нисбатан 131 та жиноят ишининг 57 таси бўйича айбдор шахсларга нисбатан суд томонидан тегишли жазо чоралари қўлланилган. 40 таси юзасидан прокуратура ва ички ишлар органлари томонидан тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Хўжалик низоларини ҳал этиш жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида тегишли корхона ва идораларга 1060 та тақдимнома ҳамда хусусий ажримлар киритилган. Ушбу тоифадаги суд ҳужжатларини кўриб чиқиш оқибатида 42 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. 346 киши қонунда белгиланган тартибда интизомий чорага тортилган.

Кўп укладли иқтисодиётга асосланган янги муносабатларнинг шаклланиши жараёнида тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимининг тўғри йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга. Республика Президенти ва ҳукумат томонидан бу борадаги аҳволни яхшилаш, халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши ва хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш бўйича ҳукумат комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Хўжалик судлари ҳам ушбу йўналишдаги қонун ижроси юзасидан мунтазам амалиётни йўлга қўйганлиги оқибатида 11,3 мингта корхонага уларнинг 36,0 миллиард сўмлик дебиторлик қарзлари ундириб берилди. Шунингдек мазкур соҳадаги камчиликларга йўл қўймаслик, уларнинг олдини олишда банк муассасалари ва солиқ идораларининг иштироки муҳим роль ўйнайди. Шуни инобатга олган ҳолда тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш борасидаги вазифаларини лозим даражада бажармаган, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига йўл қўйган ва суд қарорларини лозим даражада ижро этмаган 102 нафар банк муассасаларининг раҳбарлари ва мансабдор шахсларига нисбатан 3,8 миллион сўмлик суд жарималари қўлланилган бўлса, 5,7 мингта интизомсизликка йўл қўйган хўжалик субъектларининг бюджет олдидаги 37,4 миллиард сўмлик солиқ тўловлари бўйича боқиманда қарзлар уларнинг молмулки ҳисобидан мажбурий тарзда ундирилди.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини авж олдириш, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти учун аниқ шарт-шароитларга эга бўлган янги тадбиркорлик тузилмаларини шакллантириш, шунингдек, бу борадаги Республика Президентининг Фармонлари талабларидан келиб чиққан ҳолда 6,2 мингта хўжалик субъектлари суд ҳужжатларига асосан тугатилган.

2000 йилда хўжалик судларининг қарорлари билан 1270 та хўжалик субъектлари банкрот деб эътироф этилди. Бу кўрсаткич 1999 йилга нисбатан 255 тага кўпдир. Банкрот деб эътироф этилган хўжалик субъектларининг 960 таси тугатилиб, давлат реестридан чиқарилган. Шартнома интизомини сурункали равишда бузиш оқибатида корхонанинг иқтисодий аҳволига моддий зарар етказиш ҳам уни банкротликка олиб келган ҳолатлари юзасидан 22 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилган, 80 кишига маъмурий жазо сифатида 929,0 минг сўм жарима қўлланилган.

Республика Президентининг ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир кўрсатмаларига амал қилган ҳолда агросаноат мажмуи тизимига кирувчи хўжалик субъектлари, айниқса, фермер хўжаликлари ва пудратчиларнинг мураккаб иқтисодий аҳволи инобатга олиниб, уларнинг даъво аризаларини давлат божи тўламасдан қабул қилиш тартиби ўрнатилган. Шунингдек, сансалорликларнинг олдини олиш мақсадида ушбу тоифадаги субъектларни тўлиқ ва сифатли расмийлаштирилмаган даъво аризаларини жойида ҳал этиш чораларини белгилаш ҳақида хўжалик судларига тегишли топшириқлар берилиб, ижроси устидан назорат ўрнатилган.

Ушбу тадбирлар натижасида деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликларининг ўз ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судларига қилаётган мурожаатлари кўпайиб бормоқда. 2000 йилда 828 та ушбу тоифадаги ишлар бўйича 1,5 миллиард сўмлик, яъни, аввалги йилга нисбатан 800,0 миллион сўмдан кўп маблағ уларнинг фойдасига ундириб берилди.

Маълумки, ҳар қандай қарор ижроси билан кучли. Бу борадаги амалиётни ташкил этишда Республика Президентининг 1997 йил 5 февралдаги «Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосий қўлланма бўлиб қолмоқда. Республика хўжалик судлари суд ижрочилари иш юритувчига топширилган 13,8 миллиард сўмлик 9,3 мингта суд ҳужжатининг 10,4 миллиард сўмлик 7,3 мингтаси мажбурий тарзда ижро этилди. Бу кўрсаткич, 1999 йилга нисбатан маблағ ҳисобида 4,7 миллиард сўмга, сон жиҳатдан эса 697 тага кўп демакдир.

Босқичма-босқич амалга оширилаётган ушбу фаолиятлар туфайли хўжалик судларининг кўп укладли иқтисодий муносабатларни тартибга солишда тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг, хусусан тадбиркорларнинг одил судловга нисбатан ишончлари ошиб бормоқда. Қолаверса, одил судловнинг таъминланиши халқ орасида ҳуқуқий билимнинг кенг ёйилишига амалий таъсир кўрсатмоқда. Холбуки, ҳуқуқий билимнинг шаклланиши, адолат ва одил судловга бўлган ишонч Истиқлолимиз тантанасининг гарови ҳисобланган миллий мафкуранинг асосий бўғинларидан биридир.

Мирзараҳмат НИЯЗМЕТОВ,
Олий хўжалик суди Ташкилий-назорат бошқармаси бошлиғи, 1-даражали адлия маслаҳатчиси.

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

ЯҚИН ШАРҚ:

ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК КУЧАЙМОҚДА

Исроил билан Фаластин ўртасида ҳарбий қарама-қаршилик тобора кучаймоқда. Душанбадан сешанбага ўтар кечаси Исроил аскарлари Ливандаги суриялиқларга қарши ракеталар отган эдилар. Бир кун ўтиб, Исроил армияси фаластинликларнинг Газо секторидаги хавфсизлик кучларига ҳаводан, денгиздан ва ердан зарба берди.

Сўнгра Газо секторини эгаллаб, уни уч қисмга бўлиб юборишди. Исроил раҳбарларининг айтишича, бу Фаластин билан бўлган чегарадан беш километр нарида жойлашган Сдерот шаҳрини миномётдан ўққа тутилишига жавобдир.

– Биз Фаластин террорига энди тоқат қилолмаймиз, – деди Исроил мудофаа вазири Бен Элизер оммавий ахборот воситалари вакиларига.

– Уруш бошланди, – деб изоҳ берди ҳозирги вазиятга Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес.

Аммо фаластинликлар эса, уруш аллақачон бошланганлигини таъкидлашмоқда. Шундай қилиб, воқеалар ривожи келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф этишга олиб келадиган ўзаро мулоқотлар ривожини тўхтатиб қўйди. Ҳозир кўплаб мамлакатларда можарони тинч йўл билан ҳал этишга даъват этувчи чақириқлар кўпроқ янграмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Ёсир Арофат матбуот вакилларига Исроил армиясининг ҳаракатидан нолиб гапирмоқда. 2. Исроил аскарлари артиллерия снарядларини отишга тайёрлашмоқда.



ЖИНОЯТЧИ РОҲИБАЛАР

Белгияда Руададан келиб яшаётган икки нафар католик роҳибалар устидан суд бошланди.

Гап шундаки, одатда дин аҳллари жуда кам ҳолатлардагина суд қилинадилар. Сабаби, диний тартиб қоидаларга кўра улар намунали ахлоқ эгалари бўлиш билан бир қаторда қонунларга ҳам сўзсиз бўйин эгишлари лозим.

Белгиядаги суд жараёнида эса, Гертруда ва Юлианна исмли роҳибалар Руандадаги монастирда бўлган пайтларида тутси қабиласига мансуб 6 мингта қочоқни улардан бошпана сўраганларида рақиб аскарларига тутиб берганлар.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ҚОҒОЗИСТОН

ОЛМА-ОТА ХАТТО ВИЛОЯТ МАРКАЗИ БЎЛИШГА ЛОЙИҚ КЎРИЛМАДИ

Ўтган шанба куни Толдиқўрғонга бир кунлик иш билан ташриф буюрган Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев вилоят маъмурий марказини Олма-отадан бу ерга кўчириш ҳақидаги буйруққа имзо чекди.

Давлат бошлиғи Толдиқўрғонда вилоят ҳокимият органлари жойлашадиган биноларни кўздан кечирди. Марказни бу ерга кўчиришни ёз ойларида амалга ошириш мўлжалланмоқда. Унгача барча зарур бинолар таъмирланади. Олма-отадан ишлаш учун кўчиб келадиган давлат хизматчилари учун уй-жой масалалари ҳал этилади.

Нурсултон Назарбоевнинг айтишича, агар Олма-отанинг Хитой билан яқин масофада жойлашганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, марказни кўчириш давлат аҳамиятига молик иш ҳисобланади.

ГРУЗИЯ

СПИД ГРУЗИЯГА ЕТИБ КЕЛДИ

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг фикрига қараганда, ҳозир Грузияда СПИД билан касалланган беморлар 2000 нафарга етиб қолди.

Аммо куни кеча республика СПИД ва клиник иммунология марказида бўлиб ўтган мулоқотда маҳаллий шифокорлар ҳозир мамлакатда расмий равишда 211 нафар СПИД билан касалланган бемор рўйхатга олинганлигини эълон қилишди. Уларнинг 181 нафари эркак, 30 нафари эса аёллардир.

ҚИРҒИЗИСТОН

МИТИНГЛАР МАН ҚИЛИНДИ

Мамлакат маркази Бишкек шаҳри раҳбарияти бу ерда 1 май куни мухолиф кучларнинг митинг ўтказилишларини таъқиқлади.

Бу ҳақда Бишкекда ўтказилган брифингда шаҳар прокурори вазифасини бажарувчи Марат Кошоев ахборот берди. Унинг фикрига қараганда, бунга Бишкек шаҳри аҳолисининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида давлат байрамлари пайтида ҳар қандай сиёсий намойиш ва митинглар ўтказишни таъқиқлаш ҳақидаги шаҳар депутатлар кенгаши қарори асос қилиб олинган. Қирғизистонда 1 май давлат байрами ҳисобланади.

АЛЕКСАНДР МАКЕДОНСКИЙ ТУҒИЛГАН ҚАСР ТОПИЛДИ

Грециялик археологлар кўҳна Македония пойтахти Пелла шаҳри ҳаробаларини қазиш жараёнида Александр Македонский қасрини топдилар.

Археологларнинг айтишича, афсонавий Александр Македонский шу саройда туғилиб ўсган. Бу ердан шунингдек, жуда кўп тилла тақинчоқлар, ноёб мармар ҳайкаллар, уй-рўзғор жиҳозлари, ҳарбий анжомлар, қуроллар топилган. Руминияда чиқадиган «Эваниметул зилей» газетасининг ёзишига қараганда, ушбу топилмалар ҳозиргача айримларда ҳукм суриб келган Македония халқи қолоқ ва тараққий этмаган бўлган, деган фикрларни йўққа чиқаради. Бундан хулоса шуки, Македония маданияти даражаси кўҳна грек маданияти билан тенгдир. Бунга асос сифатида яна кўҳна пойтахт ҳажмининг ниҳоятда катталигини айтиш мумкин.

Бу ерда 1970 йилдан бери иш олиб бораётган археологлар унинг эндигина юздан бир бўлагини кўп асрлик қатламлардан тозалашга муваффақ бўлдилар. Уларнинг айтишича, фақат Александр Македонскийнинг қасри 60 минг квадрат метр экан.

ТИМСОҲГА ЕМ БЎЛГАН ИТ

Австралиянинг Куисленд штатидаги сув ҳавзаларидан бири қирғоғида эгаси билан сайр қилиб юрган Паппи лақабли ит тўсатдан тимсоҳ ҳужумига дучор бўлди.

Бирдан сувдан чиқиб келган йирик тимсоҳ итнинг бошидан тишлади-да уни пастга тортиб кетди. Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, Австралияда одамларга ва ҳайвонларга акулалар, илонлар, йирик ўргимчаклар ва тимсоҳлар тез-тез ҳужум қилиб туради. Хусусан, 1970 йилдан бери ўтган давр мобайнида катталиги 7 метрга етадиган тимсоҳлар 20 маротаба одамларга ҳужум қилганлиги рўйхатга олинган.

ҚАЛЛОБ ОНА

Ростов шаҳри милиция ходимлари дайди болаларга қарши кураш бўйича рейд ўтказишаётганида уларнинг диққатини гўдаклар аравачасида ўтирган каттагина бола тортди.

Бир қараганда аравачада ногирон бола ўтирганди. Унинг бўйнига осилган картонда эса: «Одамлар: раҳм қилинг. Ўғлимнинг операциясига пул етмаяпти», деган сўзлар ёзилган. Гадойлар ҳужжатларини текшириш учун милиция бўлинмасига олиб келинганда аравачадаги бола шартта ундан сакраб тушди-да, шаталоқ отиб кўчага қочиб қолди.

Унинг онаси 37 ёшли молдаван аёлининг эса, тўғрисини айтишдан ўзга чораси қолмади. Маълум бўлишича, раҳмдил одамларни алдаб, квартира сотиб олиш учун пул йиғаётган экан. Иккаласи бир ойда камида 10–12 минг рубл «ишлашар» эмиш...

–Агар сани бу гал йиқитмасам...

Истиқлол фидоилари

КОМИЛ ИНСОН



Инсоният тарихида, маънавият ва маърифат ривожида шундай олимлар бўладики, улар фан ривожи, унинг йўналиши, келажагини маълум даражада белгилаб берадилар. Бу нарса уларга нисбатан халқнинг эҳтиромини оширади. Бизнинг назаримизда халқимиз фахрланиб, эъзозлаб юрадиган олимларимиздан бири, бугун таваллуд кунини нишонлаётган инсон Омонулла Файзуллаевдир.

Олим Омонулла Файзуллаев ўтказаётган тадқиқот мавзуси жуда кенг ва ранг-барангдир. Энг муҳими, ҳаёт ўртага қўйган масалалар, айниқса, янги фанлар туғилиши билан рўй берадиган инсоният тафаккуридаги ўзгаришларни илғаб олишга ҳаракат қилишидир.

У ўзининг фаолияти давомида фундаментал тадқиқотлар қўламини кенгайтиришга, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишга хизмат қиладиган ижтимоий ва гуманитар фанлар соҳасида самарали илмий изланишлар олиб бормоқда. Бу унинг миллий истиқлол мафкурасининг шаклланишида илму фан ва миллий меросимизнинг беқиёс ўрни ва ролини кўрсатишга ҳаракат қилаётганлигида кўринади. Яқинда олимнинг таҳрири остида чоп этилган ҳамда ижтимоий ва табиатшунослик фанлари ҳамкорлигининг меваси сифатида эътироф этилган «Ўрта Осиёнинг классик фани ва ҳозирги цивилизацияси» асари фикримизнинг далилидир. Бу нарса илмда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик, энг мақбул ва самарали ғояларини қўллаб-қувватлаш олий фазилат эканлигини яна бир карра исботлаганлиги билан қимматлидир.

Фан ривожи ҳар доим янги авлодга, янги шогирдларга таянади. Илмнинг нуфузи эса, ўзига шогирд тайёрлаш, муносиб ўринбосар етиштириш билан белгиланади. Домла ҳозирги кунга қадар 40 нафарга яқин фан номзодлари, докторлари тайёрлаган бўлсалар, «невара» шогирдларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда уларнинг сони 100 дан ошиб кетганлигини мамнуният билан айтиш мумкин. Домланинг халқимиз фан олдидаги хизматлари муносиб тақдирланган. У киши Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотининг лауреати, фалсафа фанлари доктори, профессор, Республика фанлар академияси Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг етакчи бош илмий ходими, камтарин, адолатли инсон.

Яқинда Республикамиз илм аҳли Омонулла Файзуллаевнинг меҳнатларини жаҳон жамоатчилиги ҳам эътироф этганининг гувоҳи бўлди. Америка Биографик институти Омонулла Файзуллаевга «2001 йил инсони» фахрий унвонини бериб, хизматларини юқори баҳолади. Устозимиз Омонулла Файзуллаев бугун 80 баҳорни қаршилаётган эканлар, биз бу заҳматкаш, ҳалол, пок, адолатпарвар инсонга Оллоҳ ато этган умрни тинч ва хотиржамликда давом эттиришини тилаймиз.

Ўткир ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети профессори.
Х. САЛОМАТОВА,
Бухоро Давлат университети профессори.

Саломатлик бурчаги

ҚАРИШГА ҚАРШИ ДОРИ

Қозоғистонлик пенсионер Иван Василевич Конавалов инсон хасталиклари ва уларни шифобахш ўсимликлар воситасида даволишга бағишланган улкан қомусни ёзиб тугаллади. Мазкур қўлёзмадан 700 га яқин касалликлар таърифи ва уларнинг давосини кўрсатувчи 8300 та рецепт жой олган.

Қария бу маълумотларни турли-туман китоблар, манбалардан мисқоллаб тўплаган. Унинг ўзи шифокор эмас. Лекин ҳаёт уни касалликлар чангалидан мустақил чиқиб олишга мажбур қилган.

Қуйида энг кенг тарқалган касалликларга қарши қандай курашиш лозимлиги ҳақидаги маслаҳатлар билан танишасиз.

• Зирк халқ табобатида бевақт қаришнинг олдини олувчи восита сифатида баҳоланади. Уни чой каби дамлаб ичилади. Қуруқ мевасини зиравор ўрнида майдалаб овқатга солинади. Баргидан дамлама тайёрланади: 10 грамм қуруқ барг устидан бир стакан қайноқ сув қуйиб дамлаб, бир кунда бир ош қошикдан учтўрт маҳал истеъмол қилинади.

• Дасторбош (бу ўсимлик бўйимадарон деб ҳам аталади)дан тайёрланган чой узоқ умр кўришни таъминловчи кундалик парҳезнинг муҳим таркибий қисмидир. Бундай чойни овқатдан олдин ичиш тавсия этилади. Бундан ташқари у бутун организмни тозаловчи кучли восита ҳам саналади.

• Қизилмия илдизи ёшлик ва гўзалликни асраш борасида машҳур женшен ўсимлиги қаторида туради. Шифобахш ўсимликлардан тайёрланган барча дориларга қизилмияни қўшиб истеъмол қилиш тавсия этилади.

• Кунига ҳеч бўлмаганда бир неча дона ўрик ёки унинг туршаги, ўрмон қулупнайи, шунингдек маккажўхори мойини истеъмол қилиш қаришни секинлаштиради.

Бизнинг кузатишларимизча, қариликка қарши курашнинг яна бир ажойиб усули бор. У ҳам бўлса, қандайдир машғулот билан бандлик. Иван Васильевич дори-дармон маълумотномаси тузганига ўхшаш севимли иш топиб олсангиз, қаригани ҳам қўл тегмайди.

Қонунларни ўрганамиз

ТУҲМАТЧИГА ЖАЗО БОРМИ?

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 139-моддаси «Туҳмат» деб номланади. Унда, «Туҳмат қилиш, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Нашр қилиш ёки бошқа усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали туҳмат қилиш – энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Туҳмат,

а) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб;

б) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолда;

в) хавфли рецидивист томонидан;

г) ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда қилинса – уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ҚЎШМАЧИЛАР ЖАЗОСИ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 131-моддасида «Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш»га оид жазо белгиланган.

Фоҳишахона очиш ёки сақлаш, шунингдек, ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилиш–

энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) вояга етмаган шахсни жалб қилган ҳолда;

б) такроран, хавфли рецидивист ёки ушбу Кодекснинг 135 ёки 137-моддаларида назарда тутилган жиноятларни илгари содир этган шахс томонидан содир қилинган бўлса,

– олти ойгача қамоқ ёки мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

• ОДИЛ СУД БАРЧА ИЖТИМОИЙ ЭЗГУЛИКНИНГ ПОЙДЕВОРИ.
П. ГОЛЬБАХ.

Хат босилмади, аммо...

ЖИНОЯТГА АЛОҚАСИ ЙЎҚ ЭКАН

Самарқанд вилояти прокуратураси томонидан фуқаро Д. Бўроновнинг «Адолат» газетасига турмуш ўртоғи Икром Бўроновни Нуробод туман ИИБ ТГ терговчиси томонидан ноҳақдан жиноий жавобгарликка тортилаётганлиги тўғрисида ёзган аризаси жиноят иши материаллари билан биргаликда кўриб чиқилди.

Аниқланишича, Нуробод тумани Каттақўрғон жамоа хўжалиги «Кеч келдик» қишлоғида яшовчи фуқаро М. Бўроновни 2001 йил 2 февралдан 3 февралга ўтар кечаси номаълум шахслар ҳовлисидаги молхонасида боғлоқлик ҳолда турган бир бош 7 ёшли отини ўғирлаб кетишган.

Ушбу ҳолат юзасидан 2001 йил 28 февраль куни Нуробод тумани ИИБ ТГ терговчиси А. Бойқораев томонидан ЎзР. ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «б» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жиноят иши материалларига кўра И. Бўронов гумондор тариқасида Нуробод тумани ИИБга келтирилиб ушланганлиги ўз тасдиғини топмади. Бундан ташқари И. Бўронов ушбу жиноятга алоқаси йўқлиги аниқланди.

А. АЗЛЯРОВ,
Самарқанд вилояти прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.

БИТТА БОЛАГА ТЎЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Жиззах шаҳар А. Навоий кўчаси, 65-уйда истиқомат қилувчи Матлуба Ҳазратқулованинг «Адолат» газетасига ёзган аризасидаги саволларига қуйидагича тушунча беради.

1. 1993 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган.

Мазкур қонунда иш стажига эга бўлмаган фуқароларга ва уларнинг оила аъзоларига пенсия тайинлаш кўзда тутилмаган.

Бундай фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сонли қарори билан тасдиқланган «Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» Низомга асосан, эркаклар 65 ёшга, аёллар 60 ёшга етганларида, «Оила кодекси»га кўра уларни боқишга мажбур бўлган қариндошлари бўлмаган тақдирдагина ёши бўйича ижтимоий нафақа тайинланади. Ижтимоий нафақанинг бугунги кундаги миқдори 2835 сўмни ташкил этади.

2. Амалдаги қонунчиликка асосан, шахснинг жамоа хўжаликларида ишлаганлиги у кишининг фамилияси ва исми-шарифи билан тасдиқланади. Фамилияси ва исми-шарифи бўлмаган тақдирда, яъни бошқа бир кишининг номига ишлаган даврни, бу кишининг номига тиклаш мумкин эмас.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 4 сентябрда 489-сон билан рўйхатга олинган «Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун ҳар ойлик нафақа бола икки ёшга тўлган ойга қадар, ушбу ойни ҳам ҳисобга олган ҳолда тўланади.

Агар икки ва ундан кўп туғилган, фарзандликка ёки васийликка олинган болалар парваришланаётган ҳолларда бола парваришлаш учун нафақа энг ёш бола икки ёшга тўлгунга қадар тўланади.

Демак, болалар сонидан қатъий назар болага қараб туришлик нафақаси битта болага тўланади.

Р. ХОЛМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Пенсия таъминотини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

• ҚОНУНЛАР БАРЧАГА БАРОБАР БЎЛИШИ ЗАРУР.
Ш. МОНТЕСКЬЕ.

Бокс

МУҲАММАДҚОДИР АМЕРИКАНИ КАШФ ЭТЯПТИ

Андижонлик Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳаваскорлик бокс рингида ўн йилдан ошиқ вақт мобайнида 200 та жанг ўтказиб, юқори натижаларга эришди. У жаҳон, Осиё ҳамда Олимпиада ўйинларининг чемпионидир. Энди Муҳаммадқодир ўзини профессионал боксда синаб кўрмоқчи.

Ҳозирги кунда Муҳаммадқодир Американинг бокс маркази сифатида танилган Лас-Вегас шаҳрида, таниқли мураббий Кенни Адамс қўл остида машғулотлар ўтказмоқда. Адамс шу кунгача профессионал боксга 8 та жаҳон чемпионини тайёрлаб берган. Бокс оламидаги энг кучли мутахассислардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам боксчимизнинг менежерлари Адамсни Муҳаммадқодирнинг профессионал боксдаги мураббийлиги учун танлашди. Унинг ўзи ҳам Абдуллаевнинг Олимпиада ўйинларидаги жангларини диққат билан кузатиб, Муҳаммадқодирни кўз остига олиб қўйган экан.

– Худо илтижоларимни қабул қилди, – дейди мураббий қувонч билан. – Муҳаммадқодирни АҚШда унчалик танимасликлари ҳам унга асқотиб қолиши мумкин. Бу эса боксчимиздан кучлироқ жанг олиб боришни талаб қилади.

Бугун Абдуллаевни АҚШга чемпион бўлиш учун боргани ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Боксчимизнинг ҳам, янги мураббийнинг ҳам ниятлари шу. Муҳаммадқодирнинг профессионал рингдаги биринчи расмий учрашуви шу ойда ўтказилади. Бир қатор саралаш учрашувларидан сўнг, боксчимиз АҚШда машҳур бўлган ўз вазн тоифасида мутлоқ жаҳон чемпиони шаҳзода Насим Ҳамид ва Марко Антониа Баррераларга қарши рингга чиқади. Муҳаммадқодирнинг профессионал рингдаги фаолияти қандай бошланишидан қатъий назар, у шаҳзода Насимга қарши рингга чиқиб, уни мағлубиятга учратмоқчи. Лекин бунинг учун вақт керак. Бокс қоидасига кўра, ўша жанггача қатор саралаш учрашувлари ўтказиш лозим. Мураббий Адамснинг фикрига кўра, ўз вазн тоифасидаги энг кучли боксчилар Абдуллаев ҳамда шаҳзода Насимларнинг беллашуви бир ярим ёки икки йилдан сўнг ўтказилиши мумкин.

Профессионал боксда спортчи ҳар йили ўн ёки ўн иккита жанг ўтказиши лозим. Амалдаги чемпионга қарши рингга чиқиш учун эса энг камида ўн олтита учрашувда ғалаба қозониш керак.

– Муҳаммадқодирда ҳамма имкониятлар етарли. У ҳақиқий жангчи: қатъият, кучли зарба ҳамда рақибга бирданига таҳдид қилиш унда мужассам, – дейди мураббий Кенни Адамс.

Машҳур «Рингсайд Жим» спортзалида Абдуллаев билан бирга яна бир ватандошимиз Руслан Чагаев ҳам машғулот ўтказмоқда. Боксчи ёзда бўлиб ўтадиган ҳаваскор боксчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда. Русландан ҳам умидимиз катта, у ҳам масъулиятни ҳис этиб машқларга зўр бермоқда.

– Муҳаммадқодир исмининг айтилиши қийин, лекин эсда сақлаб қолиш осон – дейди мураббий Адамс. Ўзбекистонлик боксчи тез орада жаҳон боксининг юлдузларидан бирига айланишига унинг ишончи комил. Боксчининг ўзи ҳам Лас-Вегасдаги шароитлар қониқтираётганлигини, янги мураббийи Кенни Адамс кучли мутахассис бўлганлиги учун унга дарров ишонч билдирганини, агарда профессионал боксда юксак натижаларга эришса, ғалабаларини Ватани ва ҳамюртларига бағишлашини айтиб ўтди.

Огоҳлик – давр талаби

ЎЗЛИГИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК

Ислом тараққийпарвар, адолатли, ҳалол-пок дин сифатида пайдо бўлди. У фақат ақида эмас, балки маърифат ва илм ҳамдир. Ислом нодонлик ўрнига маърифат, маданият вужудга келтирди. У яна инсонпарварлик, ҳалоллик, поклик, диёнат, ростгўйлик, ватанни, халқни севиш, аҳил бўлиб яшаш, камбағалларга эҳсон (закот, садақа каби), айниқса, ота-онага яхшилик қилиш, етимлар бошини силаш ғояларини Қуръон оятлари ва ҳадислар орқали тарғиб қилди.

Афсуски, узоқ йиллар давомида, аниқроқ қилиб айтганда, шўролар тузуми вақтида биз руҳий-маънавий булоғимиз бўлган динимиздан айрилдик. Хуррият шабадаси эсиб, юртимизда истиқлол биноси барпо этилди. Мустақиллик тўла-тўкис бўлиши учун Юртбошимиз азалий удумларимизни, диний маросимларимизни тўлақонли ўтказишга бошқош бўлди. Кўплаб масжидлар очилди. Бу неъматга дастлаб шукроналар билдирилди. Вақт ўтиши билан айрим диний муассасаларда давлат сиёсатига зид маърузалар ҳам қилинди. Бундан руҳланган ёшлар, чаласавод муллалар мустақиллик вақтида нима қилса бўлаверар экан, деган хомхаёлга бордилар. Ниҳоят четдан келган даъватчилар тузоғига илиндилар.

Ўтган йили туман прокуратураси, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, шунингдек, ҳокимлик органлари диний назорат идорасининг қуйи вакиллари билан бир неча тадбирларни амалга оширди. Жойларда бўлиб, диний экстремизмнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунчалар берилди.

Яқин ойлар давомида олиб борилган тергов ҳаракатлари, суд жараёнлари шуни кўрсатмоқдаки, бу масалада ҳали ишларимиз кўп. Негаки, ёш йигитлар, ўсмирларнинг баъзилари билиб, айримлари эса билмай экстремистик оқимга қўшилиб кетмоқдалар.

Чодак қишлоғида яшовчи Расулжон Рустамов қарийб 1991 йилдан бошлаб ҳаётимизга, динимизга ёт оқимга аъзо бўлиб келган. Ҳозирда қидирувда бўлган Фарғона вилоятидаги Адҳам Ҳакимов (Адҳам қори) билан яқиндан алоқада бўлган. Уларнинг Наманган вилоятидаги йўлбошчиларининг маъруза ва даъватларини тинглаб, уларга хайрихоҳлигини билдирган. Унинг уйидан тинтув вақтида топилган бир дона «Ислом дини», икки жилддан «Оллоҳ Воқф» китоблари, 15 дона «Мурожаатнома» хатлари ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган. Юртга қирғин солишга, фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган материаллар экан.

Расулжон Рустамов ўзининг ғайриқонуний ҳаракатлари билан Ўзбекистондаги давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга очиқдан-очиқ даъват ҳам этган.

Яна шу қишлоқдан бўлган Абдуҳаким Холматов ҳам экстремистик оқимга ошаддий берилиб кетганлардан бири бўлиб чиқди. Уларнинг барча ҳаракатлари тергов даврида ва суд жараёнида ўз исботини топди. Уларнинг иккаласи ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 159 моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбландилар ва 2 йил озодликдан маҳрум этилдилар.

Бундай мисоллар биргина амас экан. Уйғурсойлик Исмоилхон Ҳомидов, хўжаободлик Фозилжон Комилов, резакик Абдували Имомбердиевлар ҳам юқоридаги шахслар сингари боши берк кўчага киргаларидан эканлар. Улар ҳам ўз қилмишларига яраша жазоландилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Аллоҳ сизнинг ташқи суратингиз ва мол-мулкингизга қарамайди, лекин қалбингиз ва қилган яхши амалларингизга қарайди», деганлар. Ҳақиқий диндор ҳеч қандай жиноятга қўл урмайди. Лекин динни ниқоб қилиб олиб, жиноят қилган маҳлуқлар тарихда кўп бўлган. Уларни тарих асло кечиримайди. Келинглар, мансаб деб инсоний қиёфасини йўқотганларга, миллатини ҳам, динини ҳам сотаётганларга қарши курашайлик. Узлигимизни йўқотмайлик.

Абдусаттор ИРАНОВ,
Поп тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.

Журналнинг янги сони босмадан чиқди

«ҲУҚУҚ – ПРАВО – LAW» – ЎЗБЕК, РУС ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг илмий-назарий ва юридик – «Ҳуқуқ – Право – Law» журналининг 2001 йил илк сони босмадан чиқди. Журнал саҳифаларида республикамиздаги етакчи ҳуқуқшунос, ёш тадқиқотчилар, амалиётчи юристлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг кўплаб мақолалари ҳамда материаллари ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилди.

Уларда ўқувчилар ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотлар, қонунчиликдаги ютуқ ва камчиликлар, ҳуқуқий муаммолар, мушоҳадалар, янги ҳуқуқий адабиётлар, ажнабий юристларнинг илғор тажрибалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалиёти билан танишадилар. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э. Халилов «Ўзбекистон Республикаси Парламенти ҳуқуқи – мустақил юридик фан тармоғи» сарлавҳали мақоласида – Олий Мажлис фаолияти ҳақида сўз юритиб, Парламент тажрибасини янада такомиллаштириш йўлида унинг ҳуқуқий концепциясини ишлаб чиқиш ва ўқув-методик йўриқномалар, қўлланмалар, дарсликлар яратиш зарурлигини, улар конституциявий (давлат) ҳуқуқий адабиётлар билан рақобатлашмаслиги ёки уларни такрорламаслиги кераклигини уқтиради. Муаллиф мамлакатимизнинг ҳуқуқшунослик фанида «Ўзбекистон Республикаси Парламенти ҳуқуқи» номли янги мустақил юридик таълим жорий этиш – давр талаби эканлиги тўғрисида мушоҳада қилади ва пировардида, бу таълимнинг бўлажак янги ўқув курси дастури бўлиб қолиши лозимлиги юзасидан ўз амалий таклифларини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази директори, юридик фанлари доктори, профессор А. Саидов «Давлат рамзларига ҳурмат – муқаддас бурч» номли мақоласида давлат рамзлари – нафақат Байроқ, Герб ва Мадҳия, балки мустақиллик йиллари Республикада қабул қилинган янги Конституция, давлат тили, давлат пойтахти, давлат фуқаролиги, давлат мукофотлари ҳамда унвонлари, миллий валюта, умумхалқ байрамлари ва ниҳоят давлат бошлиғи – Президент ҳам – Ватан тимсоллари, давлат рамзлари эканлигини илмий-назарий асослаб беради.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишидан сўнг журналда «Конституция – мустақиллик тимсоли» номли махсус рукн очилиб, унда қатор илмий-тадқиқий мақолалар изчил бериб борилмоқда.

Юридик фанлар доктори, профессор Ю. С. Пўлатов, сиёсий фанлар доктори Ш. Ғойибназаров, фалсафа фанлари доктори А. Қодиров, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси бошлиғи Р. Ҳайдаров сингари ўттизга яқин муаллифларнинг мақолаларида ҳам ҳуқуқшунослигимизнинг турли хил илмий асослари, муаммолари билан танишасиз.

Юридик адабиётлар танқислиги яққол сезилаётган ҳозирги шароитда Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ишлари вазирликларига қарашли кутубхоналарга, ҳуқуқий билим олаётган талабаларга, илмий-назарий, юридик илмий ишлар билан шуғулланаётган барча тоифадаги ва барча ёшдаги тадқиқотчиларга, амалиётчи ҳуқуқшуносларга журналда бундан буён ҳам эълон қилиб борилажак ҳамма мақола-ю материаллар қўл келиши, шубҳасиз. Шу боисдан ҳам, журнал таҳририяти республика олимларини, ҳуқуқшунос юристларни ва ёш тадқиқотчиларни илмий ҳамкорликка даъват этади.

Фурсатдан фойдаланиб, таҳририят катта-кичик барча ҳуқуқшуносларни, илмий жамоатчилик вакилларини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини ва ёш тадқиқотчиларни журналга 2001 йилнинг иккинчи ярми учун вақтни бой бермай, обуна бўлишларини сўрайди. Зеро, журнал чакана савдога ғоят чекланган миқдорда чиқарилади ёхуд у муҳарририят муҳосибхонаси (бухгалтерияси)да сўнгги саҳифада берилган манзил бўйича харид қилинади. Эслатиб ўтамиз, манзилимиз: 700197, Тошкент, Интизор кўчаси, 68. (Алоқа учун телефонлар: 65-23-52, 62-24-58). Индексимиз 945

Марҳамат, ўқинг, ҳамкорлик қилинг, ёзилинг!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
журнал бош муҳаррири.

Маънавият

КИМГА ТЎЙ, КИМГА АЗОБ?

Ёки данғиллама тўй қиламан деб қарзга ботиш шартми?

Халқимизда «Топганинг тўйга буюрсин» деган ажойиб нақл бор. Дарҳақиқат, ўзбекнинг нимаси кўп, тўй-ҳашами кўп. Хатна тўйи, никоҳ тўйи, бешик тўйи, ҳовли тўйи, бронза тўйи, кумуш, олтин тўйлар...

Тўйлардаги турфа удум, расм-русумларнинг хилма-хиллиги, миллий анъаналарга бойлигини айтмайсизми? Бирор мусулмон мамлакатда ўзбекнинг тўйичалик тўкин дастурхон ёзилмайди. 500–600 киши тўпланмайди. Хўш, нафсиламбрини айтганда, тўйнинг нимаси ёмон?

Ўзбекона тўй дўст-оғайнилар дийдорига тўйиш, уларнинг суҳбати, гурунгидан бахраманд бўлиш, янги таниш-билиш ортиришдан иборат эмасми? Лекин тўй ўтказишда бир-биридан ошиб тушиш, обрў-эътибор қозониш учун бор шудини сочиб, исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳоллари-ҳали ҳамон содир этилаётгани сир эмас. Бор отасига юз бор ош беради, йўғи бир бор»... деганларидек, айрим бели бақувватлар қўли очиқлиги, саҳийлигини кўз-кўз қилмоқчи бўлиб, қўша-қўша дошқозонларда элга ош бериб, ён-берида яшовчиларнинг қалбини ўкситмоқда. Шу боис ҳам тўйларни ихчам, камчиқимлик билан ўтказиш, ортиқча исрофгарчиликка, дабдабабозликка йўл қўймаслик ҳақида ўз вақтида ҳукуматимиз томонидан чора-тадбирлар белгиланди. Жойларда бунга қатъий амал қилинаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Аммо...

Бухоро вилоятининг қатор шаҳар-туманларида тўйларни камчиқим қилиб ўтказишда ҳали ҳам бир қарорга келинмаган. Айниқса, никоҳ тўйлари жуда қимматга тушаётир. Бухорода йигит уйланмоқчи бўлса, тўйдаги бутун харажат унинг зиммасига тушади. Қиз уйида падар оши бериш, фотиҳа тўйини ўтказиш, никоҳ кечаси тантаналари ва тўйолли расм-русумларига кетадиган жамики чиқим — куёв томонида. Сурнайчию созандалар, видеочию келинга сарполар... Шу кеча-кундузда ўтказилаётган сарф-харажат ҳисоблаб кўрилса куёвнинг белини букиб қўймоқда. Оқибатда қиз томон шартларини бажармаган куёвни исканжага олади.

Янги ҳаёт остонасида...

Тўйдан кейин томоша деганларидек, икки орага совуқчилик тушиб, қудалар юз кўрмас бўлиб, ёш оилалар ажралиб кетишмоқда. Шундай ҳақли савол туғилади. Қиз-йигит вояга етгач турмуш қуриши табиий. Модомики шундай экан, қуруқ обрў деб, қиз томон куёв томонни қарзга ботириши инсоф-адолатданми?

Яна бир муаммо. Бухорода удумга айланиб қолган фотиҳа тўйлари жуда дабдабали ўтади. Унда нуқул аёллар йиғилишади. Кўнгил чиғилларини ёзишади. Аммо улар яна никоҳ базмида ҳам қатнашишади. Никоҳ тўйидаги машмашаларни кўриб ачинасан киши. Биргина никоҳ кечаси тантанасининг ўзи кифоя эмасмикан? Ёки фотиҳа тўйи билан чекланиб қолинса, янги ёш оилага кони фойда-ку! Қоғон шаҳрида бир зиёли киши қизини турмушга узатди. Куёв тўра шаҳар атрофидаги қишлоқда яшайди. Удумга кўра тўйдан олдин қизга совға-олтин шивирма сирга олиниши талаб қилинади. Ўнлаб сирга кўрсатилиб, атиги битта энг қиммат-баҳоси танлаб олинади. У ниҳоятда қиммат, ярим миллион сўм туради. Ҳар бир сирғани гаровга олиб элтиб кўрсатиш, қиз томонга маъқул қилишга роппа-роса бир ой вақт кетди. Қизнинг отаси куёв томон то 200 килограммлик сўким келтирмагунча тўйга розилик бермади. Тўй-тўйдек ўтди. Аммо келин бир ойча турмагач, тугунини қўлтиғига қистирди. Баҳона-қишлоқда яшай олмас эмиш. Куёв оила бузилмаслиги учун шаҳардан ижара топди. Зиёли оилада тарбия топган келинга аввал бошдан ўзи танлаган куёв кейинчалик ёқмай қолди. Орага совуқлик тушгач, бу оила қайта тикланмади. Мурғак гўдак отасиз қолди.

Бухоро шаҳрида ҳам тўйдан кейин тезда ажралиш ҳоллари кўплаб учраб турибди. Пахта тозалаш заводи атрофида яшовчи бир хонадондан турли йилларда беш қиз турмушга узатилди. Тўйларга кетган харажат-қарзни тўлашдан куёв тўраларнинг елкалари яғир бўлаёзди. Оқибатда бу хонадонда турмуш қурган қизлар оиласи бирин-кетин бузилди. Ёш-ёш болалар ота меҳридан маҳрум. Сабаб битта: тўйдаги олиқ-солиқнинг катталиги, қарзга ботишлик, ёш оилада тўйдан кейинги етишмовчиликлар... Жанжал... Оқибати эса шундай хунук...

Бухоро музофотида никоҳ тўйларини ўтказиш қатъий бир тартибга келтирилмас экан, чиқим ортиб, сарф-харажатлар кўпайиб бораверади. Ёш оилалар бузилиб, ота меҳридан бенасиб гўдакларнинг кўз ёшлари тўкилаверади. Оила эса муқаддас. Ёш оилаларни авайлаб — асраб қолиш ҳаммамизнинг бурчи бўлмоғи лозим.

Саид РАВШАН.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Т. О. ДАМИНОВ, А. F. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ҲАЙДАРОВ, К.РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Д. К. ҚИРҒИЗБОЕВ (бўлим мудири), Р. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, Ў.Ф. ЖЎРАЕВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОНХОНОВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона – 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими – 136-55-64.
Навбатчи – Илҳом СИДДИҚОВ
Саҳифаловчи – Бахтиёр ҚЎШОҚОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г– 2336, ҳажми–2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2
Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти–20.00. Босишга топширилди 20.00.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.